

Савол:

Мисвокни кайси кўл билан ишлатиш суннат?

Жавоб:

Мисвокни ўнг кўл билан ишлатмок суннат. Бирок унинг ўнг кўлда ушланишининг суннатлигига далолат килувчи суннатдан очик далил йўк. Уламолар унинг суннатлигини Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва салламнинг бошка амалларига киёслаб айтишган. Уламолар мисвокни ушламок тарикасини баён килиб шундай деганлар: Ўнг кўли билан жимжилок ва бошмалдокнинг устига, колган бармокларнинг остига ва бош томонини бошмалдокнинг устига килиб ушлайди.

Агар айтилса: Бу ифлос-жирканч нарсаларни кетказмок-ку, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайхи ва саллам бундай ишларда чап кўлини ишлатганлар? Бунга жавоб: Жирканч нарсага кўл бевосита тегмагани учун ўнг кўлда килмок жоиз. Валлоҳу аълам.